

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги  
вазирлиги тизимида жорий йилда коррупцияга қарши курашиш тизимида  
2025-йилда амалга оширилган ишлар юзасидан  
УМУМИЙ ТАҲЛИЛИЙ-ҲИСОБОТ**

**31.12.2025-йил ҳолатига**

Бўлим ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг топшириқ ва йўриқномалари ҳамда вазирликнинг буйруқлари асосида ташкил қилган.

Иш фаолиятини ташкил этиш механизми эса йиллик режалари асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2024-йил 1-мартдаги 13-сонли баённомаси асосида ишлаб чиқилган “Коррупциясиз соҳа лойиҳаси доирасидаги Йўл харита”нинг ҳар бир банди бўйича берилган топшириқлар тегишли бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда ижроси таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида жорий йилнинг 5 март куни ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар”га бағишланган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 06.03.2025 йилда Бош прокуратура билан биргаликда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида коррупцияга барҳам бериш, инсон омилини қисқартириш ва рақамлаштириш бўйича самарали ташкил этиш тўғрисида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, **36 банддан** иборат бўлган “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида коррупцияга барҳам бериш, инсон омилини қисқартириш ва рақамлаштириш бўйича” **ЙЎЛ ХАРИТАСИ** ишлаб чиқилиб амалда ижроси таъминланмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича “янги тизим” яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ўтказиш бўйича 17 бандан иборат **“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”** ишлаб чиқилди.

2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81 қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг Э-Антисор платформасига киритиб боилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 27.01.2025-йилдаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш тўғрисида”ги **КҚ-49-V-сонли** қарори ижросини таъминлаш юзасидан **ЙЎЛ ХАРИТАСИ** ишлаб чиқилган бўлиб бугунги кунда ижроси таъминланиб борилмоқда.

## **Сиёсат ва тартиб-таомиллар**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 28.08.2023-йил “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида коррупцияга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида” 225-сонли буйруғи қабул қилиниб унга кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги 15 та ички идоравий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати 1-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти 2-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувуни бошқариш бўйича низом 3-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 4-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизими ходимларининг одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқитилишини ташкил этиш бўйича йўриқнома 5-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид йўриқнома 6-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 7-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти 8-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 9-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент 10-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва таркибига кирувчи муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичлари 11-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги низом 12-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш

бўйича масъул ходимлари ва координаторлари тўғрисидаги намунавий низом 13-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 14-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига кирадиган ташкилотлар шартномаларига коррупцияга қарши курашиш бўйича моддани киритиш тўғрисидаги йўриқнома 15-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Мазкур буйруқ ва унга асосан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар барча бош бошқармаларга ижро ва назорат учун юборилди. Бош бошқарма ходимлари мазкур буйруқ билан таништирилиб ички буйруқлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-81-сон қарор ижроси юзасидан вазирнинг 33-сон буйруғи билан коррупцияга қарши курашишга оид 2 та ички идоравий ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилиниб, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ва бошқа янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди. Шунингдек:

- 2025-йил 20-майда вазирлик ва Агентлик ўртасидаги қўшма қарор билан Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) тасдиқланди

- 2025-йил 20-июнида вазирлик ва Агентлик ўртасидаги қўшма қарор билан Коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқланди

- 2025-йил 23-сентябрда “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи қабул қилинган

- 2025-йил 8-августда 5/119-сонли “Коррупцияга қарши ички назорат бо‘линмалари мустақиллигини та’минлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш то‘ғрисида”ги буйруғи қабул қилинган бўлиб, қарор талабларига кўра минимал мезонга мувофиқ масъул ходимлар учун штатлар ташкил этилган.

Жорий йил Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 28.08.2023-йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 226-сонли буйруғи қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарор ижроси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ижрога қаратилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 13.06.2024-йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ПҚ-210-сон қарори ижросини

таъминлаш тўғрисида”ги 159-сон буйруғи қабул қилиниб, 17 банддан иборат ишлаб чиқилган **назорат режаси** ҳамда 14 банддан иборат **идоравий дастур** ишлаб чиқилиб, масъуллар белгиланган ҳолда ижрога қаратилди.

Бундан ташқари, вазирликнинг 26.06.2024-йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ПҚ-210-сон қарори ҳамда вазирликнинг 2024-йил 13-июндаги 159-сон буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 190-сонли буйруқлари қабул қилиниб ижрога қаратилган.

Жорий йилнинг 5-март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар”га бағишланган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида **06.03.2025 йилда** Бош прокуратура билан биргаликда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида коррупцияга барҳам бериш, инсон омилини қисқартириш ва рақамлаштириш бўйича самарали ташкил этиш тўғрисида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, **36 банддан** иборат бўлган “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида коррупцияга барҳам бериш, инсон омилини қисқартириш ва рақамлаштириш бўйича” ЙЎЛ ХАРИТАСИ ишлаб чиқилиб ижрога қаратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлинмаларини мустакиллиги таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-147 сонли Қарори Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги кўрсатиш вазирлиги томонидан ижро қабул қилиниб, берилган топшириқлар ижросини **НАЗОРАТ РЕЖАСИ** ишлаб чиқилган.

### **Хавф-хатарларни баҳолаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11.05.2022-йилдаги ПҚ-240-сон қарори ижросини таъминлашда «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»ни шакллантириш ва юритиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2024 йил 17-апрелдаги 214-сонли қарори билан вазирликнинг 120 та функция ва вазифалари белгиланган.

Шунга кўра, бўлим томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 28 августдаги 225-сон буйруғи 2-илоvasи билан тасдиқланаган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти”га асосан вазирлик хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга ошириб, вазирликнинг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тузилди ва вазир томонидан тасдиқланди.

Баҳолаш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни тоифалар бўйича нисбати юқори 3 та, ўрта та ва паст 93 та аниқланди.

Бундан ташқари, мазкур хавф-хатарлар харитаси асосида вазирликнинг коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилиб, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функциялар хавфини минималлаштиришга қаратилган вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ДАСТУРИ ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат архитектура назоратини амалга оширишнинг янги механизмини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 28.03.2025-йилдаги **192-сон** қарорига асосан, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди, унга кўра вазирлик томонидан **“Шаффоф қурилиш”** миллий ахборот тизимида ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилди.

Мазкур тизим Адлия вазирлигининг “Нотариус”, Ички ишлар вазирлигининг “Э-маъмурий иш”, Олий суднинг “Адолат”, Кадастр агентлигининг “УзКад” ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Юқоридагилар билан бир қаторда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида **16** тадан **24** тага яъни кўшимча давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилиб, бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизида платформалар ишга туширилди.

Бугунги кунда, рейтинг тизимида **4** та йўналиш бўйича инсон омилисиз қурилиш-пудрат ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтинг кўрсаткичлари шакллантирилмоқда.

### **Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарор ижроси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ижрога қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарор ижроси юзасидан вазирнинг **33-сон буйруғи** билан коррупцияга қарши курашишга оид **2 та** ички идоравий ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилиниб, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ва бошқа **янги қабул қилинган** қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Бунда, ходимлар зиммасига манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш, давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарларига келиб тушган манфаатлар тўқнашувига оид хабарларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш белгиланган.

**Манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид аниқ чоралар жорий этилиб**, Вазирлик марказий аппаратининг **175 нафар**, ҳудудий бош бошқармалар, тизим ташкилот ва муассасаларининг **4101 нафар** бошқарув ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги йиллик декларациялар тўлдирилган.

Вазирликда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан бўлим томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Таҳлилларга қўра, марказий аппарат ходимларидан **10 нафари** шундан **6 нафари тадбиркорлик фаолияти субъектининг раҳбари**, қолган **4 нафари** эса таъсисчилар эканлиги аниқланиб, амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётлиги аниқланган ва кўриб чиқишлик учун вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияга тақдим этилган.

Шунингдек, Давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилиши таъминланди. Жумладан, **133 та** харид бўйича контрагентлар манфаатлар тўқнашуви ҳолатига ўрганиб чиқилди. **1 та** давлат хариди регламентга зид равишда ўтказилишининг олди олинди.

**Вазирлик тизимидаги барча ходимларни мавжуд тартиблар асосида яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишидаги ташкилотларда ишлаётган ҳолатлари юзасидан:**

Вазирликнинг марказий аппаратида ишлаб келаётган **175 нафар** ходимларнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимидан олинган объективка-маълумотлар асосида мазкур йўналиш таҳлил қилинди.

Ўрганишда, вазирликнинг марказий аппаратида яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишида ишламасада, ҳудудий бош бошқармаларда ишлаб келишлари аниқланган.

Жумладан, 03.03.2025 йилда вазирликнинг Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассис лавозимига тайинланган З.Зокировнинг укаси Г.Зокиров Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарманинг Қарши тумани бўлими бош архитектор лавозимида ишлаб келаётганлиги маълум бўлди. Бугунги кунда мазкур ҳолат бўйича тегишли чоралар кўрилган бўлиб, тўлиқ бартараф этилган.

**Вазирлик ва унинг бўйсунувда бўлган ташкилотларда ходимлар ўриндошлик асосида ишлаётганлиги ҳақида:**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармаларда ва ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларни аниқлаш борасида вазирликнинг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, ҳудудий бош бошқармалар ва тизим ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳамда мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг ўтган давр мабойнида бош бошқармади **1 та** ҳолатда ходимларни ўриндошлик асосида ишлаётган ҳолатлар аниқланган.

Масалан, Қашқадарё вилояти бош бошқармаси Косон тумани бўлимининг бош мутахассиси Чори Тураев эса бир вақтнинг ўзида Навбахор МФЙ раис лавозимида ишлаб келиши аниқланиб, ҳозирги кунда барафтарф этиш чоралари кўрилган.

**Вазирлик ва тизим ташкилотларидан ишдан бўшаган ходимнинг икки йил ичида ўз иш жойида бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолатлари:**

Вазирликнинг тизим ташкилотларидан ишдан бўшаган ходимнинг икки йил ичида ўз иш жойида бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш бўйича берган маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Ўрганишда, марказий аппаратдан ишдан бўшаган ходимлар вазирликнинг бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолатлари аниқланмади.

**Ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган, шунингдек, ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлиши ҳақида:**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида давлат фуқаролик хизматчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6-мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида” 103-сонли қарори билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ходимларига ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши кўрсатилган. Олинган маълумотларга кўра, ҳудудий бош бошқармаларда **14 та** ҳолатда (Сурхондарё, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларда) битта ва ҳар ҳил бошқармаларда яқин қариндошлар ишлаб келишлари аниқланган.

Ўрганиш натижаларига кўра, аниқланган ҳолатлар манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқиш ҳолатлари эҳтимолидан холи эмаслигини кузатиш мумкин.

Масалан, Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарма бошлиғи П.Тангриевни куёви У.Ваҳобов Ангор тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаб келиши аниқланди.

Ёки бўлмаса 03.03.2025 йилда вазирликнинг Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассис лавозимига тайинланган З.Зокировнинг укаси Г.Зокиров Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарманинг Қарши тумани бўлими бош архитектор лавозимида ишлаб келаётганлиги маълум бўлди.

Ўрганишда, уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ бир ҳил турдаги, яъни, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жазо чораларини кўриш учун материалларни ваколатли органларга бериш каби назорат функциялари юклатилган бўлиб, бу эса ўз навбатда манфаатлар тўқнашуви ҳолатига олиб келиши мумкинлиги аниқланди.

Бундай ҳолатларни Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларда (ака-ука, опа-сингил, ер-хотин ва қайнота) кўриш мумкин.

Бундан ташқари, марказий аппарат ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган, шунингдек, ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлиши ҳақидаги ҳолатлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида давлат фуқаролик хизматчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши қайд этилган.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6-мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида” 103-сонли қарори билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ходимларига ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши кўрсатилган.

Бироқ, вазирликнинг марказий аппарат, ҳудудий бош бошқалармалар ҳамда тизим ташкилоти ходимларига “Манфаатлар тўнашуви ҳолатларини тартибга солиш” юзасидан қабул қилинган вазирликнинг буйруклари, ўтказилган йиғилиш ва семинар машғулотларига қарамасдан, ҳанузгача ходимлар давлат хизмати билан параллел равишда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиб келаётганлиги маълум бўлган.

### **Ходимлар томонидан 2025 йил манфаатлар тўқнашуви бўйича тўлдирилган йиллик декларацияларни таҳлил қилишда:**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳабар бериш ва уларни тартибга солиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, вазирликнинг 17.02.2025-йилдаги 33-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” Низом тасдиқланиб, ушбу буйруқни ижросини таъминлаш юзасидан вазирликнинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тизим ташкилотларига юборилган.

Мазкур низомнинг 3-боби, 17-бандига асосан, “вазирлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимлари ҳар йили 15-январгача мазкур шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани кадрлар бўлимига тақдим қилишлари лозим” деб кўрсатилган.

2025-йилда вазирлик ҳамда ҳудудий бош бошқарма ходимлар томонидан тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви декларация аризалари (декларация) доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Вазирликнинг марказий аппаратида фаолият юритиб келаётган **175 нафар** ходимларнинг тўлдирган декларация аризалари доимий равишда, ҳудудий бош бошқамаларнинг ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан тўлдирилган декларациялари эса ўтказилган назорат тадбирлари давомида ўрганиб чиқилиши йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган давр мабойнида ходимларнинг тўлдирган декларация аризалари ўрганилганда, вазирликнинг марказий аппарати ходимларида **10 та** ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланиб, бартараф этилиши хусусида кўрсатма бериб ўтилган.

### **Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фамронида 2022 йил 1 январдан хўжалик юритувчи субъектлар



томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланиши назарда тутилган.

Мазкур Фармон ҳамда Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг 12.11.2021 йилдаги қарори билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши шартлар вазирлик марказий аппаратида тузиладиган шартномалар бандларига киритилиши таъминланди ҳамда вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартлар киритиш бўйича кўрсатмалар берилди ва Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши шартлар намуналари ишда фойдаланиш мақсадида тақдим этилди.

2025 йил ўтган давр мобайнида ишга қабул қилинган барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилган ҳолда расмийлаштирилган.

Коррупцияга қарши қоидаларни вазирликнинг хўжалик шартномаларига киритиш бўйича контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш ҳолатлари, шунингдек марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида вазирлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш ҳолати мавжуд эмас.

### **Контрагентларни текшириш**

Жорий йилда “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома” талабларига асосан вазирлик марказий аппаратида тузилган жами **133 та** хўжалик шартномалари таҳлил қилиниб, шундан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар юзасидан контрагентлар доимий равишда ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан вазирликда давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш аҳволи ўрганиб чиқилганда, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги **ЎРҚ-684-сон** Қонуннинг 6-моддаси иккинчи хат бошида Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахсни белгилаши шартлиги кўрсатилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 31.01.2024-йилдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг маъмурий-хўжалик фаолиятида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **30-сонли** буйруғи билан вазирликда давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш сиёсати белгиланган. Ўрганиш давомида давлат харидларини амалга ошириш учун масъул бўлган шахсни белгиланмаганлиги маълум бўлди.

Жорий йилда Марказий аппарат томонидан **7 та** ҳолатда умумий қиймати **18,5 млн сўмлик** давлат харидлари Қарор талабларига риоя қилинмаган ҳолда [harid.uzex.uz](http://harid.uzex.uz) электрон дўкон орқали харидлар бошқа электрон порталлардан амалга оширилганлиги аниқланиб, бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилди.

## Таълим ва коммуникация

Вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимларининг коррупцияни олдини олишга оид билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган давр мобайнида **“Қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш”** мавзуларида **240 та** семинар-тренинг ва тарғибот ташвиқот ишлари ўтказилган.

Жорий йилнинг 20.11.2025-йил куни вазирлик биносида 9-декабр халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан **“Очиқ эшиклар куни”** тадбири ўтказилиб, вазирликка ПРЕСС тур ташкил қилинди. Унда Бош прокуратура вакили, ОАВ ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этдилар.

Жорий йилда Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясининг ўқув машғулотларида **1-босқичда 491** нафар ходим ўз малакаларини ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлдилар.

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари ва Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси билан **2-босқичда 1700 нафар** ходимларни малакаларини ошириш учун Академияга буюртма берилиб ўқитиш ишлари бошланган.

**Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар.**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида "Коррупцияга қарши курашиш" бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормоқда. 2025 йил давомида бўлим томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграмм бот канали, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш, содир этилиши мумкин бўлган қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар устидан шикоят қилиш учун имкониятлар кенгайтирилди.

Вазирлик тизимида **коррупцион** ҳамда **манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига** дуч келганда ва гувоҳи бўлганда ёки қонунчиликка зид бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотга эга бўлганда, вазирликнинг **«1298»** қисқа рақами ёки **71-210-11-04 (ички 1066)** ҳамда @Qurilish\_Komplayens\_bot расмий телеграм боти ёхуд komplayens@mc.uz электрон почта манзили орқали мурожаатларни қабул қилиш мақсадида махсус алоқа каналлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг **расмий веб-сайти** ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида вазирликка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамда коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали ходимларнинг ҳатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа

қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида жами **40 та** хабар ва мурожаатлар келиб тушган.

Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳамда марказий аппаратга келиб тушган **40 та** хабар ва мурожаатлар таҳлил қилинганда, шундан **1 таси** ишонч телефони, **3 таси** телеграм ботга ва вазирликка тўғридан тўғри **36 та** мурожаатлар келиб тушган.

Ҳисобот даврига **1 та** ҳолатда коррупция фактлари ҳақида аноним мурожаат келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган коррупцион фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Бундан ташқари **1 та** мурожаат манфаатлар тўқнашуви ҳолатини келтириб чиқуви мурожаат келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган важлар ўз тасдиғини қисман топган.

Шунингдек яна бир мурожаат вазирлик ходимининг коррупцияга мойиллиги ҳақида келиб тушган бўлиб, ўрганиш жараёнида ўз тасдиғини топмаган.

Бундан ташқари **1 та** мурожаат манфаатлар тўқнашуви ҳолатини келтириб чиқуви мурожаат келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган важлар ўз тасдиғини топган бўлиб ҳозирга кунда мазкур ҳолат бўйича ХМҚО га (*Қишлоққурилишлойиҳа*) ҳужжатлар юборилган.

Ёки, Қурилиш ва уй жой кммунал хўжалиги вазирининг 2025-йил 30-майдаги 6/10-сонли буруғига асосан, мурожаатчи У.Жулбековнинг аризаси Сирдарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ўрганилди.

Аризада, бош бошқармада вакант бўлан Архитектура режалаштириш топшириғи ишлаб чиқиш бўлими ва Туманларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлинмарни фаолиятини муфиқлаштириш шўбаси бошлиғига ўтказишни, муқаддам ёзган мурожаатлари юзасидан текшириш ўтказишни сўраган.

Ўрганишда, У.Жулбеков вилоят бошқарма бошлиги номига 14.10.2024 йилда, 05.11.2024 йилда, 10.02.2025 йилда, 03.03.2025 йилларда вазирлик ва бош бошқармага мурожаат қилганлиги аниқланди.

У.Жулбековни мурожаатларини кўриб чиқилишида, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонун талабларини бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, У.Жулбековни бош бошқарма бошлиги номига 14.10.2024 йилда ёзган ариза ва талабномаси бошқарма бошлиғи сипориши (виза) орқали бошқарманинг бош бухгалтери С.Нуриддинов, бошқарма бошлиги ўринбосари Т.Султановларга кўриб чиқишлик учун юклатилган бўлсада, ушбу ариза бошқарманинг “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизимига киритилмасдан қолганлиги учун, Қонунинг 28-модда талаблари кўпол равишда бузилиб, мурожатчига жавоб берилмасдан қолган.

Эътиборлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.12.2019 йилдаги ПҚ-4546-сон қарори 2-банди талабларига мувофиқ “давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда шакллантирилиши ҳамда амалга оширилиши” ҳамда Президентнинг 24.05.2023 йилдаги ПФ-76-сон Фармони 3-банди билан 01.05.2024 йилдан бошлаб ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлар “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизимига тўлиқ ўтказилиши белгиланган бўлсада,

мурожжатни расмийлаштиришда мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда, тизимга киритилмаганлиги маълум бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, бош бошқарма бошлиги Д.Рўзматов ва бошқа масъул бўлган шахслар ўз иш фаолиятларида юқорида номи қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармон талабларини ижросини таъминлашда қўпол равишда бузилишига йўл қўйганлар.

Ёки бўлмаса, мурожжатчи У.Жулбековни 10.02.2025 йилдаги бош бошқарма бошлиги номига ёзган эътирозномасини кўриб чиқишлик учун бош бошқарма ҳуқуқшуноси З.Атабаевга юклатилган бўлсада, ушбу эътирознома кўриб чиқилмаган ва муаллифга жавоб берилиши таъминланмаган.

Бундан кўриниб турибдики, бош бошқармада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганган бўлиб, бу эса ўз навбатда вилоят бошқармаси раҳбарияти томонидан ходимлар устидан ички идоравий назорат етарли даражада назорат ўрнатилмаганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари ўрганишда, У.Жулбековни мутахассислиги иқтисодчи бўлишига қарамадан, бошқармада Архитектура режалаштириш топшириғи ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келиши маълум бўлди.

Шунингдек, У.Жулбеков 2 -гуруҳ “умурбод” ногирон бўлишига қарамадан, у билан 15.11.2023 йилда тузилган меҳнат шартномасида иш куни режаси 40 соатлик деб белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 427-моддасида, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади- деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, ўрганишда бошқарма бошлигининг 07.02.2025 йилдаги 11-3201-I- сон “Сирдарё вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарманинг хўжалик ҳисобидаги давлат хизматлари кўрсатиш бўлими ходимлар сонини қискартириш тўғрисида”ги буйруғига асосан собиқ Архитектура режалаштириш топшириғи ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи З.Хужамуратова бошқарманинг хўжалик ҳисобидаги давлат хизматлари кўрсатиш бўлими бош мутахассис лавозимида ўтказилганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан З.Хўжамуратовадан тушунтириш хати олинганда, бош мутахассис лавозимида ўтказилганлигидан норози эканлигини, тазйиқ остида ариза ёзиб берганлигини маълум қилди.

Шунингдек, мурожатчи У.Жулбеков Архитектура режалаштириш топшириғи ишлаб чиқиш бўлими собиқ бошлиғи З.Хужамуратова томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентига риоя қилинмасдан, давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғим ва инновойсни белгилашда коррупцион ҳаракатлар содир этганлиги ҳақидаги вазлари ўрганилганида, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг ўрнатилган талабларидан ошиқча бож пулллар олинганлик ҳолатлари аниқланди. (жадвал илова қилинади)

Ўрганишда, З.Хужамуратова томонидан давлат хизматлари кўрсатишда Маъмурий регламентига талабларини татбиқ этишда қишлоқ аҳоли

пунктларидаги, туманга бўйсунувчи шаҳарларда ва шаҳарчалардаги ва туманлар марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда коэффицентлари қўллашда адашмовчиликка йўл қуйилганлиги оқибатида юзага келганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, У. Жулбековнинг 2024 йил декабрдаги вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мансбдор шахслари ҳаракатидан норози бўлиб йўллаган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, З.Хўжамуратова ариза муддатини бузганлиги учун вилоят адлия бошқармаси томонидан маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги аниқланди.

### **Мониторинг ва назорат**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида жорий йилда жами **20 та** ўрганишлар ва **12 та** хизмат текширувлари ўтказилди, ўтказилган ўрганишларнинг **4 таси** ва хизмат текширувларининг **9 таси** ҳуқуқий баҳо бериш учун ҲМҚО га юборилган.

Ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари таҳлил қилинганда:

-Бош прокуратуранинг тақдимномаси асосида, вазирликка юклатилган ижро ҳолатининг бажарилиши бўйича хизмат текшируви ўтказилган, текширув бўйича материаллар 27.03.2025 йилда **Бош прокуратурага** юборилган;

-Сирдарё вилоят бош бошқармаси ходими У.Жўлбековнинг эътирозномаси бўйича 30.05.2025 йилда вазирликнинг **6/10**-сон буйруғи чиқарилиб, хизмат текшируви ўтказилган, 05.06.2025 йилда маълумотнома тузилган;

-Фуқаро Ж.Шамурадовнинг мурожаати бўйича вазирликнинг 18.07.2025 йилдаги **6/14**-сон буйруғи асосида Самарқанд вилоят бош бошқармаси ходимлари бўйича хизмат текшируви ўтказилган, 25.07.2025 йилда маълумотнома тузилган;

-Бизнес омбудсманнинг хати асосида тизимдаги Инфратузилмани ривожлантириш агентлигида вазирликнинг 21.07.2025 йилдаги **6/15**-сон буйруғи асосида хизмат текшируви ўтказилган ва 25.07.2025 йилда жавоб хати юборилган;

-Урганч шаҳар прокуратурасининг тақдимномаси асосида 05.09.2025й.да вазирликнинг **6/19**-сон буйруғи билан хизмат текшируви ўтказилган, материаллар **прокуратурага юборилган.**

- Бухоро шаҳар прокуратурасининг тақдимномаси асосида 09.10.2025 йилда вазирликнинг **6/23**-сон буйруғи чиқарилиб, хизмат текшируви ўтказилган ва текширув ҳулосаси ҳамда материаллар 29.10.2025 йилда **прокуратурага юборилган;**

- Бухоро вилоят ИИБнинг тақдимномаси асосида 10.10.2025й.да вазирликнинг **6/24**-сон буйруғи чиқарилиб, хизмат текшируви ўтказилган ва 27.10.2025 йилда материаллар **ИИБга** юборилган.

- Юнусобод туман ИИОФМБ ТБнинг тақдимномаси асосида, Юнусобод туман қурилиш бўлими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш бўйича 13.10.2025 йилда вазирликнинг **6/25**-сон буйруғи чиқарилган, текширув ҳулосаси 17.11.2025 йилда **ИИБга** юборилган;

- Фуқаро Р.Эсиргадиевнинг мурожаати асосида “Кишлокқурилиш лойиха” ДМда хизмат текшируви ўтказиш ҳақида 11.11.2025 йилда вазирликнинг **6/28**-сон буйруғи чиққан, текширув материаллари 04.12.2025 йилда **ДХХга юборилган;**

– Наманган вилояти ҚУЖКХБ томонидан 24.10.2025 йилда Янгиқўрғон туман қурилиш бўлимида хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилиб, 04.12.2025 йилда материаллар **ДХХга юборилган.**



Шунингдек, вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари бўйича ўтказилган **мониторинг ва ўрганишлар** бўйича:

- жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида ўтказилган ўрганиш материаллари ҲМҚОга юборилган;

Жорий йилнинг апрел ойида Хоразм вилоят бош бошқармасида ўтказилган ўрганиш юзасидан раҳбариятга ахборот киритилган;

- жорий йилнинг октябр ойида Қибрай туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимида ўтказилган ўрганиш материаллари ДХХга юборилган;

- жорий йилнинг октябр ойида Навоий вилояти ҳамда Хоразм вилоятида ўтказилган, шунингдек, жорий йил март ойида Шаффоф қурилиш марказида ўтказилган ўрганишлар юзасидан раҳбариятга маълумотлар тақдим этилган;

- Жорий йилнинг май ойида Наманган вилоятида ўтказилган ўрганиш ҳамда феврал ойида "АРТЕОН" МЧЖ бўйича ўтказилган ўрганиш материаллари ҲМҚОга юборилган;

- "Комфорт констракшн" МЧЖнинг мурожаати юзасидан ўтказилган ўрганиш юзасидан мурожаатчига жавоб хати юборилган;

- Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг иш режаси асосида вазирлик тизимида давлат харидларини ўрганиш, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш юзасидан мониторинг ва ўрганишлар ўтказилган ва натижаси юзасидан тегишли бўлинмаларга кўрсатмалар ва тавсиялар берилган.

#### **Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Жорий йил давомида бўлим томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик ходимларидан ҳар йили бир марта 15-январга қадар олинадиган манфаатлар тўқнашуви декларациясини вазирликнинг барча **175** нафар ходимларидан аризалар (декларация) тўлдириб ўрганиш ўтказди. Ўрганиш натижаларига кўра вазирликнинг марказий аппарати ходимларида **10 та** ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб, ҳозирги кунда бартараф этиш чораларини кўриш учун одоб-ахлоқ комиссиясига тўпланган ҳужжатлар тақдим этилган.

Бундан ташқари, вазирликнинг Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассис лавозимига тайинланган З.Зокировнинг укаси Г.Зокиров Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарманинг Қарши тумани бўлими бош архитектор лавозимида ишлаб келаётганлиги маълум бўлди. Ўрганиш натижасига кўра, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассис лавозимига тайинланган З.Зокиров билан меҳнат шартнолмаси бекор қилинган.

Ўтказилган мониторинг, назорат тадбирлари ва жимсмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар юзасидан **9 та** ҳолатда ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҲМҚОга юборилган.

#### **Хулосалар.**

Вазирлик ва унинг ҳудудий бош юбошқармалари ҳамда тизим ташкилотларида жорий этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимларининг фаолиятини доимий назорат ўрнатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб раҳбарият ҳузурида муҳокама қилиб бориш.

Вазирлик ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмалари ходимларини коррупцияга муросасиз муносабатини янада шакллантириш мақсадида доимий равишда

профилактик назорат тадбирлари, семинар тренинг ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш лозим.

Вазирлик марказий аппаратининг департамент, бошқарма ва бўлимлар билан бюиргаликда соҳага оид бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларида **коррупцион омилларни** баратараф этиш мақсадида такомиллаштириб бориш.

## **Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс назорати бўлинмаларининг ваколат ва масъулияти оширилади ҳамда ижтимоий ҳимояси кучайтирилади:**

Вазирлик ва идоралар марказий аппаратларининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарларига қуйидаги ваколатларни бериш:

- тизим ташкилотларига **кўриб чиқиши** ҳамда **ижро этилиши мажбурий бўлган** қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича кўрсатмалар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш;


- коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда зарур мутахассисларни жалб қилган ҳолда **ўрганишлар ўтказиш** ташаббуси билан чиқиш ва амалга ошириш;

- ўрганиш жараёнида тармоқ ва тизим ташкилотларидан зарур маълумотларни **талаб қилиб олиш**;

- коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларидаги моддий зарар ундирилган тақдирда, ундирилган сумманинг **5 фоизи** уларни рағбатлантиришга йўналтириш тизими жорий этилади;

- **ҳудудлардаги комплаенс бўлинмалари** ходимларининг, ойлик иш ҳақи, ижро ва меҳнат интизоми ҳамда лавозим бўйича кўтарилиш масалаларини вазирликнинг ваколатига ўтказиш.

**Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи**



**Ж.Файзиев**